

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.27.06.2017.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МУХИТДИНОВА НАЗМИЯ МУСЛИХИДДИНОВНА**

**МИРҲАСАН САДОИЙ ВА УНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ  
(шеърят поэтикаси, ғоявий-бадий таҳлил масаллари)**

**10.00.02 – Ўзбек адабиёти**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2017**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017. 02.PhD/Fil115 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида samdu.uz ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Қудратуллаев Ҳасан Самадович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эркинов Афғондил Содирхонович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Олимов Султонмурод Ҳошимович**  
филология фанлари номзоди, в.б. профессор

**Етакчи илмий муассаса:**

**Алишер Навоий номидаги**  
**Тошкент давлат ўзбек тили ва**  
**адабиёти университети**

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.27.06.2017.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил 29 сентябрь куни соат 11:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети бош бино, 1-қават, анжуманлар зали (105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**М.Қ.Муҳиддинов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

**Ж.Д.Элгазаров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д.

**Ж.Ҳамроев**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
philological sciences**

**Мухитдинова Назмия Муслихиддиновна**

Мирҳасан Садоий ва унинг адабий мероси (шеърят поэтикаси,  
ғоявий-бадий таҳлил масалалари)..... 4

**Мухитдинова Назмия Муслихиддиновна**

Мирҳасан Садаи и его литературное наследие (поэтика сборника  
стихов, вопросы идейно-художественного анализа)..... 21

**Mukhitdinova Nazmiya Muslikhiddinovna**

Mirkhasan Sadai and his literary heritage (poetics of poetry, problems of  
ideology-literary analyses)..... 40

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of publications ..... 43

### **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон адабиётшунослигида бугунги кунда дунё халқлари адабиётларида алоҳида мавқеъ касб этиб, миллий, маданий, адабий, тарихий ва диний қадриятларни ўзида мужассам этган қўлёзма манбаларни излаб топиш, тадқиқ этиш ва илмий истеъмолга олиб кириш устувор йўналишларидан ҳисобланади. Айниқса, Шарқ мумтоз адабиёти намуналари кўпчилик ҳолларда бир нусхадангина иборат қўлёзма ҳолида мавжуд эканлиги кўзда тутиладиган бўлса, уларни шарҳ ва изоҳлар билан нашрга тайёрлаб, чоп этиш ҳамда таҳлил ва тадқиқ этиш адабиётшунослик нуқтаи назаридан ҳам улкан илмий-амалий аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида ўзбек мумтоз адабиётини тадқиқ этишда катта ютуқларга эришилди, жумладан, қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизими шакллантирилди. Чунки аждодларимиз томонидан яратилган нодир қўлёзма асарларни чуқур тадқиқ этиш ўзбек адабиётшунослигининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, «ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний-ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёзмаларни жиддий ўрганиш пайти келди»<sup>1</sup>. Зеро, ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари қолдирган бадиий мерос бугунги кунда ҳам маънавийтимизни юксалтириш, ёшларимизни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга ҳамда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган таълим ва фан соҳасини янада ривожлантириш билан боғлиқ вазифалар ижросининг таъминланишига ҳам хизмат қилади.<sup>2</sup> Жумладан, XVIII асрнинг иккинчи ярми - XIX аср бошларидаги Қўкон адабий муҳитининг йирик вакили Мирҳасан Садоий ижоди яқин ўтмишда мафкуравий сабабларга кўра ўрганилиши таъқиқланган эди, ҳозирда унинг адабий меросини миллий истиқлол мафкураси тамойиллари асосида илмий ўрганиш зарурати мавжуд. Шу нуқтаи назардан Мирҳасан Садоий асарларини унинг ўзи томонидан тартиб берилган қўлёзма девони асосида таҳлил ва тадқиқ этиш ҳамда унинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрнини белгилаш ушбу тадқиқот мавзусининг илмий аҳамиятини аниқлаб беради.

Жаҳон адабиётшунослик илмидаги қадимий ёзма манбаларни қиёсий-текстологик тадқиқ этишнинг замонавий усулларини қўллаган ҳолда Садоий девонининг Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида сақланаётган иккита қўлёзма нусхаси (№ 2619/1 ва 12457/II), тошбосма ва қўлёзма баёзларда мавжуд маълумотларни қиёсий ўрганиш, девонда берилган Қўкон адабий муҳити ҳақида қимматли маълумотларни илмий муомалага киритиш биринчи марта амалга оширилаётгани ушбу диссертация мавзусининг замонавий адабиётшунослик учун аҳамиятини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 февралдаги «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш

<sup>1</sup>Каримов И. Биз ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999.–Б.133.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида //Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль, №28 (6722). – Б.1-2.

тўғрисида»ги ПҚ-1292-сон Қарори, 2016 йил 13 майдаги ПФ-4794-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент Давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон шарқшунослиги ва адабиётшунослигида Шарқ мумтоз адабиётининг илмий-адабий қийматга эга бўлган нодир манбалар, қўлёзма асарлар нусхаларининг қиёсий текстологик таҳлили ва тадқиқларига бағишланган муайян ишлар бажарилган. Жумладан, Е.Брегель, С.Нетлетон, Ҳ.Коматцу, Т.Бейсембиев, М.Сзуппэ, С.Лэви каби олимларнинг Кўкон адабий-маданий ҳаёти ва тарихига бағишланган тадқиқотлари эътирофга лойиқдир. Бироқ жаҳон адабиётшунослигида Мирҳасан Саодий ижодий меросининг илмий таҳлили ва тадқиқи амалга оширилмаган.

Саодий таржимаи ҳоли, адабий мероси, ўз даври адабий ҳаётида тутган ўрни ҳақида ўзбек адабиётшунослигига оид тадқиқотларда, хусусан, ўзбек адабиёти тарихига доир дарслик ва ўқув қўлланмаларда ҳам маълумот кам учрайди. Жумладан, “Асрлар нидоси” тўпламида Саодий асарларидан намуналар берилган<sup>3</sup>. Мазкур тўпланда М. Оқилов шоирнинг ҳаёт йўли ҳақида қисқагина маълумот бериб, намуна сифатида шоирнинг 38 та ғазалини келтиради. Аниқланишича, ғазаллар 1918 йили Тошкентда нашр этилган тошбосма нусхадан олинган. Ўзбекистон энциклопедияларининг икки нашрида<sup>4</sup> ҳам Саодий ҳақида қисқача маълумот бериш билан чекланилган.

XIX асрнинг истеъдодли тарихнавис олимаси ва шоираси Дилшоди Барнонинг “Тарихи муҳожирон” (“Муҳожирлар тарихи”) асарининг ўзбек ва тожик тилидаги нусхаларида ҳам Саодий ўша даврнинг кўзга кўринган шоирлари қаторида эслатиб ўтилган<sup>5</sup>. Дилшоди Барно ҳаёти ва ижоди тадқиқига бағишланган асарда ҳам шоир ҳақида худди шу қисқагина маълумот келтирилган<sup>6</sup>.

<sup>3</sup> Асрлар нидоси. Шеърлар. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982. –Б. 334–372

<sup>4</sup> Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 12 жилдлик. 7-жилд. –Т.: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 1999. –Б. 415 // Ўзбек Совет энциклопедияси. 14 жилдлик. 9-жилд, – Т.: 1977. –Б. 427

<sup>5</sup> Дилшод. Танланган асарлар. –Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. –Б. 17

<sup>6</sup> Мухтаров А. Дильшод и её место в истории общественной мысли таджикского народа в XIX – начале XX вв. –Душанбе: «Дониш», 1969. –С. 305

Садойй ижодининг нисбатан кенгроқ таҳлили М.Қодированинг “Садойй ижоди” мақоласида келтирилади<sup>7</sup>. Муаллиф мақоласида шоир шахсияти, унинг асарлари манбалари, шеърининг ғоявий-бадий мазмуни, поэтик маҳорати ҳақида мухтасар маълумот берилди.

Келтирилган адабий ва илмий манбалардан ташқари, ҳозирча бошқа бирор тадқиқотда Садойй шахсияти ва ижоди ҳақида маълумот учрамайди. Бинобарин, ҳозирга қадар шоир ижоди махсус ўрганилмаган, девони нусхалари матншунослик ва манбашунослик аспектида алоҳида тадқиқ этилмаган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Самарқанд Давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасининг 2016-2020 йилларга мўлжалланган “Алишер Навоий ижоди ва адабий таъсир масалалари” мавзуидаги илмий ишлар доирасида, ҳамда ОТ-Ф8-027 рақамли “Қўлёзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” (2008-2011 йй.) мавзуидаги фундаментал лойиҳаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Садойй ижодининг ўзбек мумтоз адабиёти таракқиёти тарихида тутган ўрнини белгилаш, унинг Қўқон адабий муҳити таракқиётига қўшган ҳиссасини кўрсатиб бериш, шоир девонининг матн ва ғоявий-бадий, поэтик жиҳатларини илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари.**

ўзбек адабиётшунослигида Садойй ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот камлигини ҳисобга олиб, шоирнинг имкон қадар муфассал таржимаи ҳолини яратиш;

шоирнинг қўлёзма ва тошбосма ҳолида мавжуд бўлган барча асарларини излаб топиш, изоҳлар ва шарҳлар билан таъминланган ҳолда нашрга тайёрлаш ва илмий истеъмолга олиб кириш;

шоир адабий меросининг жанрий ва ғоявий-бадий хусусиятларини аниқлаш;

Садойй асарларидаги фалсафий, диний-тасаввуфий қарашларидаги анъанавийлик ва ўзига хосликларни шоир асарларининг қиёсий-типологик таҳлили асосида очиқ бериш;

шоир ижодий маҳоратининг асосий қирралари ҳамда услубий-поэтик хусусиятларини аниқлаш;

**Тадқиқот объекти.** Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондининг Ҳамид Сулаймонов бўлимида № 2619/1 инвентарь рақамлари билан сақланаётган Садойй девони қўлёзма нусхалари, шунингдек, 1915 йили Тошкентда «Ғулом Ҳасан Орифжонов» босмахонасида чоп этилган инвентарь рақами №155 литографиялари тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилган. Бундан ташқари, Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида

---

<sup>7</sup> Қодирова М. Садойй ижоди // Адабий мерос.–Т.: 1986. 2/36.– Б. 51–59

№12457/II инвентарь рақамли Садоий девони ҳам тадқиқот объекти сифатида танланган.

**Тадқиқот предметини** Мирҳасан Садоий девони таркибига кирувчи турли жанрдаги шеърлар, уларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари анъана ва новаторлик масалалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий-таҳлилий ва қиёсий-типологик методлар асосида бажарилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

Садоийнинг XVIII асрнинг иккинчи ярми – XIX аср бошларидаги Қўқон адабий муҳитида тутган мавқеи кўрсатиб берилган ва шоирнинг асарлари қўлёзма ҳамда тошбосма манбалар асосида текстологик жиҳатдан далилланган;

девон нусхаларидаги матний тафовутлар аниқланган ва улар бир хилликка келтирилиб, девоннинг муаллиф вариантыга яқин йиғма матни ишлаб чиқилган;

Садоий девонининг композицион-услубий, жанрий ва ғоявий-бадиий хусусиятлари, диний-тасаввуфий адабиёт тамойиларидан келиб чиқиб исботланган;

шоирнинг вазн, қофия ва бадиий санъатларни қўллашдаги поэтик маҳорати ва ўзига хос услуби очиқ берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Мирҳасан Садоий ижодининг шаклланиш манбалари, ўрганилиш тарихи ва унинг ўзбек мумтоз адабиёти тарихида тутган ўрни ёритилган;

Садоий девони манбалари илмий таҳлил этилиб, уларнинг матний-қиёсий тадқиқи натижасида девоннинг муаллиф вариантыга яқин бўлган матн яратилган;

шоир девонининг ғоявий мазмуни ва композицион тузилиши тадқиқ этилган;

Садоий шеърятининг ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарига бўлган муносабати ёритилиб, салафлар ижодидан таъсирланиш қирралари очиқ берилган;

шоир ижодидаги бадиий тасвир воситаларининг матн мукамаллигини таъминлашдаги ўрни белгиланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосаларни илмий-таҳлилий ва қиёсий-типологик методлар билан асосланганлиги, муаммонинг аниқ қўйилгани, Мирҳасан Садоийнинг Қўқон адабий муҳитида ўзига хос из қолдиргани ҳақидаги манбалар ва муаллиф девонига таянилгани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Мирҳасан Садоий ижодининг филологик аспектдаги таҳлили ўзбек адабиётида кўп асрлик диний-маърифий мавзудаги шеърят ривожига хос умумий ва хусусий жиҳатларини аниқлаш, умумлашма хулосалар бериш диссертациянинг илмий аҳамиятидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий ва ўрта таълим тизимида ўзбек адабиёти тарихи фани бўйича дарслик ва ўқув кўлланмаларни ёзиш, шунингдек, махсус курсларни ўтиш, ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари асарларининг янги нашрларини тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг «Кенг оммага, айниқса, ёшларга мустақиллик йилларида инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган ислохотлар ва бунёдкорлик ишларининг мазмун-моҳиятини етказиш» номли грантида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 6 сентябрдаги 89-04-1224-сон маълумотномаси). Ушбу тадқиқот натижалари Садой девонининг композицион, жанр ва ғоявий-бадий хусусиятлари асослашга хизмат қилган;

Кўқон адабий муҳитининг ёрқин намояндаларидан бири Мирҳасан Садой ижоди ва адабий ғоялари, давр адабий ҳаётида мавжуд бўлган турли йўналишлар, оқимлар, даврнинг айрим илғор фикрли шоирлари ижоди ёритилган «Кўлёзма манбаларнинг миллий-маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти» мавзусидаги ОТ-Ф8-027-рақамли фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 12 сентябрдаги ФТА-02-11/637-рақамли маълумотномаси). Натижалар Садой шериятининг ўзбек мумтоз адабиёти анъаналарига бўлган муносабатини ва шоирнинг вазн, қофия, ҳамда бадий санъатларини қўллашдаги маҳоратини очиб беришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот иши СамДУ мумтоз адабиёт тарихи кафедрасида муҳокама қилиниб, тугалланган иш сифатида ҳимояга тавсия этилган. Мазкур тадқиқот натижалари, 2 та халқаро, 4 та республика ва 3 та минтақавий илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, 1 та Мирҳасан Садой девони нашри, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 12 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 160 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, предмети ва объекти аниқланган. Тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, унинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси кўрсатилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**XVIII аср охири – XIX аср биринчи ярмидаги Қўқон адабий муҳити ва Садоий ижоди**» деб номланган. Боб икки фаслга бўлинган.

Биринчи фасл «Адабий муҳит ва шоир ижодининг шаклланиши» деб номланиб, унда XVIII аср иккинчи ярми XX аср бошлари Қўқон адабий муҳитининг ёрқин намояндаларидан бири Мирҳасан Садоий ижоди ва адабий ғоялари тадқиқ этилган.

Бир қатор тарихий, илмий ва адабий асарлар шу давр адабий ҳаётида мавжуд бўлган турли йўналишлар, оқимлар, айрим илғор фикрли шоирлар ижоди хусусиятларини ёритиш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади. Жумладан, Фазлий Намангонийнинг “Мажмуаи шоирон” асари XVIII аср охири - XIX аср бошларида Қўқонда шаклланган адабий ҳаёт тўғрисида анча мукамал маълумот беради. Бу асар адабиётшунослигимизда махсус ўрганилиб, шу асосда илмий тадқиқот ҳам яратилган<sup>8</sup>. Ўз даврининг 63 та шоири ҳақида маълумот берувчи бу тазкирага Мирҳасан Садоий киритилмаган бўлса ҳам, шоир ижодининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатган адабий жамоатчилик дунёқараши, руҳиятини тушуниш нуктаи назаридан мазкур асар муҳим бир манба бўлиб хизмат қилади.

П.Қаюмовнинг “Тазкираи Қаюмий” кўлёзма асарида XVIII – XIX асрларда Қўқонда марказлашган адабий муҳит, унинг айрим вакиллари тўғрисида анчагина маълумотлар, уларнинг шеърларидан намуналар мавжуд. Бу асар 1948 – 1952 йиллар орасида Қўқонда яратилган бўлиб, бугунги кунда ўз нашрига эга<sup>9</sup>.

Буларга қўшимча тарзда шоир Мажзуб Намангоний (вафоти 1849 йил)нинг “Тазкираи Мажзуб Намангоний”, Мушрифнинг “Шаҳномаи нусратпаём” ва Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ут-таворих” асарларини ҳам келтириш мумкин.

Илмий манбалардаги маълумотларга кўра, бу даврда Қўқонда ҳукмронлик қилган Олимхон, Умархон, Муҳаммадалихонлар саройи атрофида шоир ва адиблар уюшиб, маълум адабий муҳитни шакллантирган ва бу муҳитда икки қарама-қарши адабий оқим мавжуд бўлган. XVIII асрдаги каби XIX асрнинг биринчи ярмида ҳам Қўқонда икки йўналишда:

<sup>8</sup>Шониёзов М. О. “Мажмуаи шоирон” тазкираси матнини тайёрлаш принциплари ва матний тадқиқи: филол.фан.номз.дисс. – Т., 2009.

<sup>9</sup>Пўлотжон домулло Қаюмов. Тазкираи Қаюмий. 3 жилдлик. II жилд. - Т.: ЎзФА Қўлёмалар институти таҳририй нашриёт бўлими, 1998. –Б. 342–344.

хукмронларнинг манфаатларига хизмат қилувчи феодал-клерикал ҳамда мазлум халқ оммасининг манфаатларига хизмат қилувчи, зулм, жаҳолат ва фанатизмга қарши турган демократик йўналишдаги адабиёт мавжуд эди. Биз бу адабий ҳаракатчилик ва ундаги турли оқимлар вакиллари, уларнинг ижодий тамойиллари, дунёқарашлари ҳақида тўхталишни лозим кўрмадик. Чунки бу жиҳат ўзбек адабиёти тарихига оид дарслик ва илмий адабиётларда атрофлича таҳлил этилган. Аммо алоҳида таъкидлаш лозимки, бу даврда хонлар салтанатини мадҳ этувчи, мавжуд ижтимоий тузум ва ҳаёт муаммоларига ўткир муносабат билдирмаган Султонхонтўра Адо, Нола, Хижлат, Фазлий каби шоирлар қаторида инсонпарварлик ғояларини тарғиб этувчи Ҳозик, Гулханий, Ғозий, Маъдан, Махмур каби илғор фикрли ижодкорлар қаторида ҳам мунаққидлар томонидан қайд этилмаган шоирлар бор эдики, уларнинг девонларида исломий маърифат ва юксак инсоний фазилатлар мадҳ этилган эди. Мирҳасан Садоий ана шундай шоирлар жумласига киради. Биз бу шоирни Қўқон аристократиясининг номдор шоирлари сарасига қўша олмаганимиз каби Гулханий сингари ҳақиқатни аниқ баён этувчи, миллат ғами билан ижод қилувчилар қаторига ҳам қўша олмаймиз. Ўткир сатирик шоир Махмур шеърлари XIX аср биринчи ярми Қўқон хонлигидаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг очиқ-ойдин кўринишларини ифодалаб бергани ҳолда, Садоий лирик девонида шахс камолоти масаласи унинг ўз иллатлари билан ўзи курашуви, ўзини ўзи маломат қилиш воситасида баён этилади. XIX аср биринчи ярмидаги Қўқон адабий муҳитида лирик шеърлар ёзган бундай шоирлар жуда кўп эди. Улар, асосан, инсоний ҳамда илоҳий муҳаббат тараннуми мавзуида ижод қилган бўлиб, манзумалари бадиий жиҳатдан анча юқори турар эди. Бу шоирлар ижодида “жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш” ғояси етакчи ўрин эгаллаган эди.

XVIII аср иккинчи ярмидан то XX аср бошларига қадар кечган ана шундай адабий муҳит Мирҳасан Садоий сингари шоирлар етишиб чиқиши, шаклланиши учун пухта замин яратди. Шарқ шеърляти даҳолари бўлмиш Ҳофиз, Навоий, Машраб адабий анъаналарида таъби камолга етган Садоий бадиий адабиётнинг турли жанрларида ижод қилиб, ўзидан бой мерос қолдирди. Унинг ижодиётида ватанпарварлик, миллатсеварлик ғоялари билан бир қаторда маърифатпарварлик ижтимоий тараққиётнинг муҳим омили сифатида тараннум этилди. Шу давр адабиётининг машҳур вакиллари ижодига ҳамоҳанг тарзда ривожланган, сайқал топган бу ижодиёт маҳсуллари ўзига хос бадиий жиҳатлари, маънавий-маърифий ва тарбиявий аҳамияти, халқчиллиги билан ҳам диққатга сазовор.

XVIII аср иккинчи ярми XX аср бошлари Қўқон адабий муҳитининг ёрқин намояндаларидан бири Мирҳасан Садоий ижоди ва адабий ғояларини атрофлича ўрганиш ўзбек адабиётшунослиги учун муҳим аҳамият касб этади, ўзбек адабиёти тарихининг янги қирраларини ёритишга имкон яратади. Биз шоирни юқорида билдирилган мулоҳазалар нуқтаи назаридан XVIII аср иккинчи ярми XIX аср бошлари Қўқон адабий муҳити намояндаси деб

атадик. Зеро, шу давр адабий ҳаётини бир бутун ҳолда тасаввур қилиб, уни яхлит бир адабий муҳит сифатида тадқиқ ва талқин этиш, назаримизда, мақсадга мувофиқроқ. Шундагина Мирҳасан Садоий каби сўфиёна маърифатпарвар шоирлар ижодининг халқчиллик жиҳати ва тарихий аҳамиятига тўғри баҳо бера олиш мумкин.

Бобнинг иккинчи фасли «Садоий ҳаёти ва ижодий фаолиятини ўрганиш манбалари» деб аталган.

Шоир ҳақида нисбатан тўлиқ ва аниқ маълумот берувчи манба унинг девонидир<sup>10</sup>. Девонда унинг ота-онаси насли-насаби, фарзандлари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди. Девоннинг ниҳоясида келтирилган бошдан оёқ ҳоксорлик, камтаринлик, ўз-ўзини, хулқу атворини маломат қилиш руҳида ёзилган маснавийда муаллиф насабда Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиваччалари ва куёвлари Али ибн Абу Толиб (р.а) авлодидан эканини баён этади. Девондан жой олган яна бир ҳасби ҳол мазмунидаги ғазалда шоир оилали эканлиги, фарзандлари кўп бўлганлиги, бир ўғлининг касалланиб вафот этгани тарихини баён этади.

Девонда Садоий ҳаётида муҳим ўрин тутган, унинг ғоявий интилишлари, қизиқишларига раҳнамолик қилган. XVIII асрнинг машҳур шоири ва тасаввуф намояндаси Хўжаназар Ҳувайдо ҳақида ҳам анча-мунча маълумотлар мавжуд. Бу улуғ зотни шоир ўзига пир, раҳнамо деб танлайди ва маънавий камолотда ўзини унинг ихтиёрига топширади.

Ҳувайдо ва Садоийнинг пир-муридлик, устоз-шогирдлик муносабатлари кўп чўзилмайди. Ҳувайдо ҳаётдан кўз юмади. Садоий бу воқеани ғазалиётида аниқ акс эттирган. Шоир девонидан ўрин олган 34-ғазалда қалам соҳиби пир васфи, унинг донишмандлик сифатларини баён этгач, овозаси етти иқлимга етган бу авлиёнинг исмини тилга олишга ўзимни лойиқ кўрмайман, дея камтарлик қилади.

Ғазалда Ҳувайдонинг вафоти санаси шундай баён этилади:

Шаби душанбаи моҳи муҳаррам,  
Вафоти ваъда Ҳақдин бўлди мағфур...  
... Чу ҳижрат эрди мингу икки юзда,  
Гунаҳ дафъиға лойиқ бўлди маҳжур (2619/1, 27<sup>а</sup>).

Мисралардан кўриниб турибдики, Ҳувайдо ҳижрий 1200 йилда муҳаррам ойининг душанба оқшомида вафот этган. Бу милодий йил ҳисоби бўйича 1785\86 йилга тўғри келади. Дарслик ва илмий адабиётларда шоир вафоти 1780\81 йил деб келтирилади<sup>11</sup>. Назаримизда, пир ҳузурида юрган Садоий марсияси Ҳувайдо вафоти тарихининг аниқ манбаси бўла олади.

<sup>10</sup>Тадқиқот жараёнида Садоий девонининг 2619/1 (ЎзФАШИ Х. Сулаймонов фонди), 12457/II (ЎзФАШИ кўлёма асарлар фонди), 279, 9562 (ЎзФАШИ тошбосма асарлар фонди) инвентарь рақамлари остида сақланаётган нусхаларини ўрганиб чиқдик. Назаримизда, ушбу девонларнинг 2619/1 инвентарь рақами остида сақланаётган кўлёма нусхаси нисбатан мукамалроқ. Диссертацияда келтирилган шеърлар Садоий девонининг мазкур нусхасидан олинди. Шу боис иш давомида келтирилган шеърларга қўйилган саҳифалар мазкур девон нусхасига тааллуқли.

<sup>11</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жиллик, 3-жилд. Т.: «Фан». 1978, –Б. 368 \\\Хувайдо. Кўнглим дарди. – Т.: Meriyus, 2009. –Б. 93.

Садойй шеърляти асосида чизиладиган шоирнинг ҳаётий тасвири асосан ана шулардан иборат. Юқоридаги маълумотлардан Садойй тахминан 1760\1761 йилда дунёга келган, Фарғонанинг Булоқбоши (Тошбулоқ) қишлоғида ўтрок ҳаёт кечирган, 1816 йилларда тахминан 70-76 ёшлар атрофида бўлган, деган хулосага келиш мумкин.

Садойй ўзининг адабий мероси – китоби ҳақида ҳам маълумот бериб кетади. Девонда 116-ўринда жойлашган ғазалда “Ҳар замон ёр – Яратган учун калом айлаб назм қилдим, токи хосу авом ичида мендан бир ёдгор қолсин”, мазмунидаги фикрлар баён этилади. Мақтаъда эса шоир бу китобнинг таъриhini баён этади:

Эй Садойй, сўрса ҳар ким бу китоб таъриhini,  
Ғайну, рею, ҳе ҳисоби бирла бўлмиш, де тамом (2619/1, 195<sup>а</sup>).

Келтирилган байтдаги араб ҳарфларини абжад ҳисобига ўгирсак, ځ- 1000, ح- 8, ر- 200, яъни – 1208 хижрий, 1792\93 милодий йил келиб чиқади. Девон номи эса унинг охиридан ўрин олган маснавийда келтирилади:

Дедилар, барча ўлтирғоч қилиб азм,  
Китобинг оти бўлсун “Таждид ун-назм” (2619/1, 192<sup>б</sup>).

Демак, бу қўлёмалар Садоййнинг 1792\1793 йилда тартиб берган китоби нусхаларидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Садойй каби шоирлар ижодига бармоқ орасидан қаралган бир даврда М. Қодированинг шоирнинг ижодига бағишланган филологик тадқиқотининг яратилиши таҳсинга лойиқ, деб ҳисоблаймиз. Олима “Садойй ижоди”<sup>12</sup> номли мақоласида Садоййнинг икки қўлёмма ва бир тошбосма девони ҳақида айрим илмий кузатувларини баён этгани боис биз бу маълумотларни такрорлашни лозим топмадик. Бирок девоннинг ушбу нусхаларини синчиклаб ўрганиш жараёни бизни айрим ўзгача хулосалар чиқаришга ундади.

Аввало, девоннинг 2619/1 инвентарь рақами остида сақланаётган нусхаси хусусида сўз юритсак. Адабиётшунос олима бу ҳақда қуйидагича ёзади: “Мазкур девон 270 варақдан иборат бўлиб, 196 варағигача шоир лирикаси, 199 – 270 варақгача унинг халқ достони услубида яратган “Қиссаи Лайли ва Мажнун” асари жамланган. ...Котиби номаълум”<sup>13</sup>. Бизнингча, ушбу девон нусхасининг 196 варағигача Садойй шеърлари берилган. Асарнинг 197-саҳифадан 270-саҳифагача бўлган қисми Садоййга тааллуқли эмас. Чунки “Қиссаи Лайли ва Мажнун” достони ҳақиқий халқона услубда ёзилган. Унда наср ва назм уйғунлиги мавжуд. Бу услуб Садойй услубига у қадар яқин эмас. Иккинчидан, дoston охирида “Салоҳий нотавон осий қулунгға, Гар айлаб нисор эт раҳматингдин”<sup>14</sup>, - деган байт мавжудки, бу ҳам дoston муаллифи Садойй эмас, деган хулосани яна бир бор тасдиқлайди. Демак, дoston Салоҳий номли шоирга тегишли. Шунингдек, ушбу муаллиф дostonнинг ниҳояланган санаси

<sup>12</sup> Адабиётшунос олима М. Қодирова мақоласида шоир таҳаллуси «Садойй» тарзида қўлланган. Биз шоир девонининг кўпгина нусхаларида ушбу таҳаллуснинг صدائى тарзида қўлланганини инобатга олиб илмий ишимиз давомида ушбу таҳаллусни «Садойй» тарзида қўллашни маъқул кўрдик.

<sup>13</sup> Қодирова М. Садойй ижоди // Адабий мерос.–Т.: 1986. 2/36. –Б. 52.

<sup>14</sup> Девони Садойй. Қўлёмма. ЎзФАШИ Ҳ. Сулаймонов фондида 2619/1 инвентарь рақами остида сақланаётган нусха. –Б. 270.

ҳижрий 1298 йили, рабиъул аввал ойининг 23-санаси, якшанба куни эканини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтган<sup>15</sup>.

Иккинчи қўлёзма ҳам шу институт қўлёзмалар фондида 12457/II инвентарь рақами билан сақланади. Бу девон настаълиқда қора сиёҳ билан Қўқон қоғозига кўчирилган. Қўлёзма 97 варақдан иборат бўлиб, ҳар бир саҳифасида 12 байт ғазал жойлаштирилган. Ғазалларнинг тепасига «Ғазали Садоий» деб ёзиб қўйилган. Котиби номаълум. Девоннинг 5б-саҳифасидаги қизил сиёҳда битилган 1292 ҳижрий (1875) санаси асосида Садоийнинг девони XIX асрнинг иккинчи ярмида кўчирилган, деб айтиш мумкин. Девон саҳифаларида уринган, йиртилган ва қайта тикланган жойлар учрайди.

М. Қодированинг мақоласида таъкидланишича, девонда 100 та ғазал, 11 та мухаммас, етти варақда эса манзума маснавийлар жамланган. Девоннинг охирида «Ғазали муножоти Малика» номли дostonдан парчалар келтирилган. Китобнинг охирги варақлари йўқолган, унда жами 2253 байт (яъни 4506 мисра) мавжуд<sup>16</sup>. Девонни кўздан кечириш жараёнида шунга амин бўлдики, унда 184 та ғазал, 9 та мухаммас, 1 мусаббаъ, етти варақда манзума маснавийлар жамланган. Девондаги барча ғазаллар, мусаббаъ, мухаммаслар Садоийнинг 2619/1 рақамли қўлёзма девонида ҳам мавжуд.

Тадқиқот жараёнида Садоий девонининг тошбосма нусхалари билан ҳам яқиндан танишдик. Улар қуйидагилар: биринчиси, «Девони Садоий». Тошкентда ношир Зафар Шукур Муҳаммад ўғли томонидан литография усулида нашр этилган нусха. У 96 саҳифадан иборат. Ўлчами 23x13 см.; иккинчиси, «Девони Садоий» 1915 йилда литография усулида Тошкентда ношир Мирзо Аҳмад бин Мирзо Карим томонидан нашр этилган нусха. У ҳам 96 саҳифадан иборат. Ўлчами 22x14 см.; учинчиси Тошкентда 1915 йили Ғулом Ҳасан Орифжонов босмаҳонасида китобат этилиб, Қўлёзмалар институти фондида 155 инвентарь рақами билан сақланади. Бу тўпламда 155 ғазал, 2 мухаммас ва бир таржиъбанд жойлашган бўлиб, жами 2728 мисра шеърдан иборат.

Иккинчи боб «**Садоий асарларининг жанр хусусиятлари ва ғоявий тадқиқи**» деб номланган. Боб тўрт фаслга бўлинган.

«Садоий девони композицияси ва жанрий таркиби» деб ном олган биринчи фаслда шоир девонларининг таркибий тузилиши ва уларнинг жанр кўлами ҳақида сўз юритилган.

Садоий девонидан олти жанрдаги – 209 ғазал, 9, 7, 8 банддан иборат уч мураббаъ туркуми, 9 мухаммас (шундан 3 таси марсия-мухаммас), 14 банддан иборат бир мусаббаъ, 1 қитъа ва ягона шарҳи ҳол маснавий ўрин олган.

Шоир девонининг услуби ҳақида яққол тасаввур ҳосил қилиш учун уни, аввало, қалам соҳиби яшаган давр, ижодий анъаналар, бадиий маҳорат масалалари нуқтаи назаридан илмий таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

<sup>15</sup>Шу асар 270-бет. Изоҳ: Садоийнинг девони ҳижрий 1208 йилда ёзиб тугалланган. Девон билан дoston ёзиб тугалланган вақт орасида 90 йил фарқ бор. Бу ҳолат ўз навбатида дoston Садоий қаламига мансуб эмаслигини англатади (Н.М).

<sup>16</sup>Қодирова М. Садоий ижоди // Адабий мерос.–Т.: 1986. 2/36. –Б. 52.

Мирхасан Садоий ижоди XVIII аср бошларидаёқ турли шакл ва йўналишда ривож топган сермахсул Қўқон адабий муҳитида шаклланди. Шоир маснавийсида эътироф этганидек, у Охуний, Бобои Шаъро, Нозил, Равнақ, Нозими Комил, Фазлий, Саййид Давоий ва Ҳувайдо яратган адабий меросдан бахраманд бўлди. У замондош шоирлар каби миллий адабиёт таракқиётига ўз ҳиссасини қўшди, ҳаётда фаоллик кўрсатди. Инсон ва жамиятни шариат ва тариқат воситасида тарбиялаш ғоясини илгари сурган шоирлар қаторида ижод қилди.

Садоий девон тартиб беришда мумтоз девончилик анъаналарига тўла риоя этмайди. Ғазалиётида турфа бадий тимсоллар, бадий лавҳалар яратиш, ижтимоий ҳаёт масалаларига фаол муносабат билдиришни мақсад қилмайди. Шу мулоҳазалар нуқтаи назаридан шоир ўз девонини узоқ йиллар давомида ёзилиб, йиғилиб қолган шеърляти намуналаридан тартиб берган, деган хулосага келиш мумкин. Аммо бадий баркамоллик жиҳатидан Садоий шеърляти ва шоирлик салоҳияти ўз даврида ҳам эътироф этилган, у бугунги адабиётшунослик эътиборини ҳам ўзига жалб этмоқда.

Девоннинг 1 - алиф билан тугалланувчи ғазаллар туркуми “Ибтидо маъбуди олам, Холиқи орзу само” мисраси билан бошланувчи ҳамд билан бошланади. Шундан сўнг муножотлар келтирилади. Ғазалларини тартиб билан жойлаштиришда ҳам шоир мавзу ва мазмун нуқтаи назаридан қатъий бир қоидага риоя қилмайди. Ижтимоий давр ва замонадан норозилик, панднома ва ҳикмат руҳидаги, диний-тарихий мавзудаги, ишқ-муҳаббат тараннум этилган, сюжетли, тадрижий, воқеабанд, воқеа-ҳодиса тафсилотларига бағишланган ғазаллар девонда асосий ўринни эгалайди.

Садоий шеърляти мавзу – мундарижа ва композицион қурилиш, шунингдек, поэтик услуб нуқтаи назаридан ўзининг пири ва устози Ҳувайдо шеърлятига яқин туради. Диний-тасаввуфий мавзу, шариат ва тариқат масалалари икки шоир ижодида ҳам кенг тараннум этилган. Бу шеърлятда дунё ноз-неъматларидан юз ўгирувчи, қиёмат даҳшатларини ўйлаб кўзлари нам, ўз-ўзини маломат қилувчи беозор қаландар тимсоли намоён бўлади. Аммо, бу қаландар дунёда меҳмон сифатида яшаса-да, халққа тўғри сўзни айтиб, тўғри йўлни кўрсатиб кетиш масъулиятини ҳам зиммасига олган. Шунинг учун уни пири хидоят, муршиди комил, деб ҳам атайдилар. Садоий девонида отаси ва пирининг яна шундай сифатлари таъриф этилиб ёзилган ғазаллар ҳам анчагина.

«Шоир ижодида маърифий ғоя ва унинг шеърӣ ифодаси» деб номланган иккинчи фаслда маърифий ғоя ва унинг бадий ифодасининг ўзига хос жиҳатларини ёритиб бериш мақсадида ҳамд, муножот, наът мазмунидаги ғазаллар танлаб олинди ва шарҳланди. Диний-маърифий ғоялар, асосан, Садоий девонидаги ҳамд ва наът ғазалларда ёрқин намоён бўлади. Албатта, ошиқона, риндона ва орифона ғазаллар моҳиятан диндан ташқари эмас ва уларда ҳам у ёки бу жиҳатдан диний-маърифий руҳдаги фикрлар айtilган бўлиши мумкин.

Комил эътиқод эгаси ўлароқ Садоий инсониятнинг энг баркамол хулқли намояндаси, оламлар тарбиячисининг халифаси, гўзал исломий ахлоқни ҳадди аълосида камолга етказиш учун юборилган зот – пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) шахсиятига нисбатан ўзининг чексиз муҳаббатини, унинг шафоатидан<sup>17</sup> умидворлигини билдиради. Шоир бутун оламларга раҳмат бўлиб келган бу зоти поку бобаракот таърифида онгу шуури, қалбидаги энг кайноқ, покиза ҳис-туйғуларини бийрон тил, чексиз ихлос билан баён этади.

Садоий девонини ўз даври адабий муҳити анаъаналарига амал қилган ва замондош шоирлар шеърияти ғоявий-бадий йўналишлари, тамойилларини ҳам назарда тутган ҳолда тартиб берган. У шарқ мумтоз девончилик қоидаларига биноан девонини очувчи ғазаллар сифатида ҳамд, муножат ва наътлар ижод этади. Шоирнинг бундай орифона ғазалларида, бир томондан, унинг комил эътиқоди, тасаввуфий дунёқараши, баркамол жамият ва инсон ҳақидаги идеаллари ўз ифодасини топса, иккинчидан, унинг мумтоз Шарқ шеърияти анъаналари таъсирида шаклланган юксак бадий маҳорати намоён бўлди. Девоннинг бадий аҳамияти шундан иборатки, унда шоирнинг сўфиёна дунёқараши бир қолипда, яъни диний фикрловчи уламнинг панд-ўғитлари, насихатлари тарзидагина эмас, балки баъзан маломатий сўфий, баъзан ринд, баъзан жамиятнинг куюнчак аъзоси мушоҳадалари, кайфияти, тарғиб ва ташвиқоти сифатида намоён бўлади.

Садоий ижодини ўрганиш, ундаги маърифат негизида қурилган ғоя ва бадий мазмунни чуқур англаб етиш мустақил юртимизда вояга етаётган баркамол авлод тарбияси учун муҳим аҳамият касб этади.

«Шоир ижодида тасаввуфий талқинлар» деб номланган учинчи фаслда Мирҳасан Садоий шеъриятида тасаввуфий моҳиятнинг бадий талқинлари таҳлил этилган.

Ўзбек адабиётининг минг йиллик тарихини тасаввуф таъсиридан айри ҳолда тасаввур қилишнинг асло имкони йўқ. Чунки тасаввуф миллий-маънавий ҳаёт учун асосий эътиқод фалсафаси, ўзига хос мафкура эди. Тасаввуфнинг асл мақсади ахлоққа йўналтирилган. Комил инсон ғояси бу таълимотнинг бош ғояси ҳисобланади. Ҳаётнинг ўзида шундай ғоя ва унга интилишнинг тайёр назарияси ва кучли амалиёти бўла туриб, адабиётнинг бу таълимотга бефарқ бўлишининг ҳам иложи йўқ эди. Негаки, инсон ва унинг камолотга эришиши сўз санъатида ҳам асл мақсад янглиғ тарғиб этиб келинган.

Бу фаслда келтирилган мисоллар ва амалга оширилган таҳлиллар асосида қуйидаги тарзда муайян хулосаларга келинган:

1. Мирҳасан Садоий шеъриятини тасаввудан холи тасаввур қилиш мумкин эмас. Тасаввуфий талқинлар шоир ижодининг бош йўналишини белгилаб туради.

---

<sup>17</sup>*Шафоат* – Муҳаммад(с.а.в.)га Аллоҳ томонидан берилган мўъжиза, бунга кўра, қиёмат кунда охирзамон пайғамбари (с.а.в.) қайси умматининг гуноҳидан кечишни сўраса, Тангри таоло буни инобатга олиши мумкин.

2. Шоир асарларидаги тасаввуфий талқинлар моҳиятан нақшбандия тариқатининг асосий ғоялари тарғибига мос. Бу жиҳатдан унинг ижоди кўпроқ Хўжаназар Хувайдо шеърияти йўналишига ҳамоҳанглик касб этади.
3. Шоирнинг тасаввуфий асарларида маломатия ва қаландария оқимлари таъсири ҳам кучли.
4. Садоий шеърларидаги мажозий ишқ замирида ҳақиқий ишқ кўзда тутилган.
5. Тасаввуфий шеърда лирик қаҳрамон ошиқ сифатида намоён бўлади. Айни чоғда, Мирҳасан Садоий девонида бир мусулмон банда сифатида Аллоҳга илтижолар акс этган муножотлар ҳам мавжуд. Уларни тасаввуфий шеър сифатида талқин этиш ҳар доим ҳам тўғри бўлмайди.

«Шарқ шеърияти анъаналари ва шоир услубининг ўзига хослиги» деб номланган тўртинчи фаслда Садоий шеърияти Шарқ мумтоз поэзияси анъаналари билан қиёсланиб, шоир бадий услубининг ўзига хослиги ёритилган.

Шоир девонидан Шарқ мумтоз шеърятининг ёрқин намояндалари, пири ҳикмат – Шайх Хожа Аҳмад Яссавий, шеърят мулкининг султони – Мир Алишер Навоий, бир оҳидан замин у осмонга ўт тушган қаландар – Бобораҳим Машраб, илоҳий ишқ парвонаси – Хўжаназар Хувайдо ғазаллари таъсирида, уларга пайравлик билан яратилган асарлар кенг ўрин олган.

